

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҒИЖДУВОН ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ ДОРИХОНАНИНГ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНОТИНИ ЎРГАНИШ

3.Ш. Хидоятова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: Бухоро вилояти Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли дорихонанинг дори воситалари билан таъминотини ўрганиш.

Усуллар: дорихонанинг дори воситалар билан таъминот кўрсаткичларини йиллар бўйича қиёсий усулда тахлилини ўтказиш.

Натижалар: Бухоро вилояти Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохонада 7 та бўлим фаолият кўрсатиб келмоқда: Тез тиббий ёрдамнинг жарроҳлик бўлими, тез тиббий ёрдамнинг жонлантириш бўлими, тез тиббий ёрдамнинг терапия бўлими, қайт тиклаш бўлими, неврология бўлими, болалар ва терапия бўлимлари. Бўлимларидаги ўринлар сони 2005-2006-2007 йилларда ўзгармаган, яъни 190 та ўринни ташкил этган. Шифохонага давлат бюджети томонидан ажратилган маблағ 2005 йилда 22 миллион сўмни, 2006 йилда 32 миллион сўмни, 2007 йилда эса 40 миллион сўмни ташкил этган. Асосий бўлимларидан терапия бўлимига 2005 йилда 680 минг сўм, 2006 йилда 720 минг сўм давлат бюджетидан маблағ ажратилган, яъни 2005 йилга нисбатан 105,8 % ни ташкил этади. 2007 йилда 780 минг сўм маблағ ажратилган, бу эса 108,3 % ни ташкил этади. Болалар бўлимига 2005 йилда 580 минг сўм, 2006 йилда 614 минг сўм, 2007 йилда эса 650 минг сўм маблағ ажратилган. Йиллар бўйича солиштирсак, 105,9 % ни ташкил этади. Дорихонада 20 турдаги дори воситалари тайёрланади. (новокаин 0,5%, глюкоза 5%, 10%, 20%, аминакапрон кислотаси 5%, анальгин 25% ли, димедрол 1% ли, фурациллин 1/5000, аскорбин кислотаси эритмалари ва х.к).

Дорихонанинг болалар бўлимида беморнинг ўзи олиб келган дори воситалари 10 % ни, мурувват ёрдамига келтирилган дори воситалари 5 % ни, бюджет орқали олинган дори воситаларини 55 % ни, кредитга олинган дори воситалари 30 % ни ташкил этиши аниқланди. (2005-2006-2007 йиллар учун).

Дорихонанинг терапия бўлимида 2005 йилда беморнинг ўзи олиб келган дори воситалари 20 % ни, мурувват ёрдамига келтирилган дори воситалари 5 % ни, бюджет орқали олинган дори воситаларини 60 % ни, кредитга олинган дори воситалари 20 % ни ташкил этиши аниқланди. (2005-2006-2007 йиллар учун). Шифохонанинг болалар

ва терапия бўлимлари учун 20 га яқин асосий дори воситалари талаб қилинган (цефтриоксон 0,5, цефазолин 1,0, бензилпенициллин 1,0, эуфиллин 2,4%-10,0, дисоль 200,0, инфузол 250,0 ва х.к). Талаб қилинган дори воситаларининг ўртача 72 % и беморларга ажратилган.

Хулосалар: Бухоро вилояти Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли дорихонанинг дори воситалари билан таъминоти ўрганилди. Шифохонанинг болалар ва терапия бўлимларида касаллик варақаларини ўрганиш натижасида энг кўп учрайдиган касалликлар аниқланди (нафас олиш, ошқозон-ичак, эндокрин, юрак қон томир, буйрак системаси ва кам- қонлик касалликлари).